

Козокнинг бир-бирига терс, зиёнкаш, бирининг тилагига бири кўшилмайдиган, рост сўзи оз, амалга талашгич, ялков бўлишининг сабаби нима? Оламга таникли барча донишмандлар аллакачон айтишганки, хар бир ялков киши кўркок ва гайратсиз келади; хар бир гайратсиз кўркок ва мактанчок келади; хар бир мактанчок кўркок, аклсиз ва нодон келади; хар бир аклсиз, нодон орсиз келади; хар бир орсиз, ялков кимсадан сўрамсок (ти-ланчи), тўймас, хунарсиз, хеч кимга дўстлиги йўқ кимса бўлади.

Бунинг бари тўрт оёкли молни кўпайти-ришдан бошка ўйнинг йўклигидан. Экинчи-лик, савдо, илм сингари нарсаларга интилин-са, бундай бўлмас эди. Хар бир мол излаган молим кўп бўлса, ўзим хам, болаларим хам молли бўлсак эди, дейди. Моли кўпайса, уларни молчиларга боктиришни, ўзлари эса, этга, кимизга тўйиб, сулувни кучиб, югурик отларни бойлаб ўтиришни орзу килади. Мабо- до кишлов жойи торлик килса, аризабозлик килиб, обрўси-ю бойлигидан фойдаланиб, бирорнинг кишловини сотиб олиш, эпини килса, тортиб олишни ўйлайди. Кишловидан айрилган эса ё бошка бирорга тиргалади, ё бўлмаса, жой йўклигидан элдан кетади. Хар бир козокнинг ўйи – шу.

Шулар бир-бирига дўстликни ўйлай ола-дими? Кашшок кўпайса, хаки кам бўларди, молдан айрилганлар кўп бўлса, кишлови бў-шаб коларди деган ўйда мён унинг кашшок бўлишини, у менинг камбагал бўлишимни ис-таб, бошидан бир-бирилизга ичимизда душманлик согиндик. Бу душманлик сал нарсага сиртимизга чикса, ёвлашдик, довлашдик, пар-тиялашдик. Шундай вактларда сўзим ўтимли бўлсин деб, эплаб мол йигишга, кучим етимли бўлсин деб, амалга ёпишдик, бийликка талаш-дик.

Шу сабаб унинг боласи бошка ёкларга бориб, меҳнат килиб, мол топишга уринмай-ди, экинчилик, савдони керак деб билмайди.

Сафдошларини кандай кўпайтиришни бил-маётган партия тузганлардан бугун бирорига, эртага бошкасига, навбати билан ўз бошини сотиб юради. Ўгрилар тийилмайди. Эл тинч бўлса, ўгрини хеч ким суюмас эди. Эл бўлин-гандан сўнг, ким онт ичиб, оклаб, харомли гини ёклаб, суюйман деса, шунга тараф бўлиб суюниб, ўгирликни бурунгисидан аллаканча оширади.

Элдаги яхши одамларнинг барининг усти-дан «чопди», «талади» деб курук ёлгондан иборат ариза бериб, уголовный1 иш кўзгата-ди. Унга дознание – тергов чикаради. Бояги яхши одам сайловдан ўтмаслиги учун кўрма-ганини кўрдим, дейдиган ўтирикчи гувохлар хам аллакачон тайёрлаб кўйилган бўлади.

У одам бошини куткармок учун ёмонларга ялинса, унинг-да одамлигининг кетгани, агар ялинмаса, терговга, судга тушган одам бўлиб, хеч бир хизматга ярамай, боши хатарга тушиб ўтгани. Бўлис бўлиб олганлар кувлик, харом-лик билан бўлисликка етгандан сўнг, мўминни кадрламайди, ўзидай харом, кувларни кадр-лайди, менга дўст бўлиб ёрдами тегади деб, мабодо ёвлашгудай бўлса, менга зарар етка-зиш кўлидан келади деб ўйлайди.

Шу кунларда козоклар ўртасида: «Иши билмас, киши билар» деган макол чиқди. Бунинг маъниси: «Ишингнинг тузук бўлганидан эмас, амалдор, эпчил кишинг бўлганидан ниятингга етасан» дегани. Одам уч йилга бў-лис бўлиб сайланади. Биринчи йили элнинг «Сени биз сайламадикми?»-деган миннати билан куни ўтади. Иккинчи йили ким янги номзод бўларкин, деган хавотир билан куни ўтади. Учинчи йили сайлов якинлаб колганидан яна бўлис бўла олармикинман, деган ўй билан куни ўтади.

Энди нима килиш керак? Козок халкининг бундай бузукчиликка ботиб, йилдан йилга ту-

банлашиб бораётганини кўрганимдан сўнг мен бундай ўйга келдим: халкнинг бўлисликка сайлайман деган кишиси имкон кадар ўрисча образование<sup>1</sup> олган киши бўлсин. Агар ўрта- ларида шундай киши йўқ бўлса ёки бор бўл- са-да сайлашни истамасалар, бўлис уезный начальник<sup>2</sup> билан военный губернаторнинг назначениесиз билан бўлади дейилса, халкка кўп фойдали бўларди. Бунинг сабаби: аввали, амалга ўч козок ўз болаларига образование беришга тушадики, буям фойдали иш, иккинчидан, назначение билан бўлган бўлислар одамлардан эмас, улуглардан карздор бўлар эди. Ва яна назначение килинганда терговга тушгани ёки сўров берганига каралмаса эди, ёлгон даъво килувчилар озаяр, балки йўколар эди. Ва яна хар бир бўлис ўз элида старшина бошлиқ бир бий сайлаганининг халкка кўп зарар бўлгани кўриниб, синалиб билинди. Бу бийлик дегани бизнинг козокнинг орасидаги хар бир сайланган кишининг кўлидан кела-вермайди. Бунинг учун бурунги «Косимхон- нинг тўгри йўлини», «Эшимхоннинг эски йўлини», оз деганда, Товкахоннинг Култепа бошида хар куни кенгаш килганда кўллайди-ган «Етти ёрги (тузуги)»сини билиш керак.

Хам у эски сўзларнинг замон ўзгаришлари билан эскириб, бу янги замонга келишмай-диган жойлари бўлса, унинг ўрнига муносиб карор чикариб амал килдира оладиган киши бўлиши керак. Бундай киши жуда оз ёки бу- тунлай йўк.

Козокнинг ахволини яхши биладиган бу- рунги одамлар айтишган: «Бий икков бўлса, дови тўртов бўлади» деб. Унинг маъниси – агар ток бўлмаса, жуфт бийлар талашиб, гавгони кўпайтаверади, деб айтилган сўз.

Бундай килиб бийларни кўпайтгунча хар бир бўлисда эл орасидан акли бутун, билимли уч- гина киши йилини белгиламай сайланса, улар ёмонлиги ошкор бўлиб, бўйнига кўйилганда- гина амалдан туширилса, бўлмаса туширил- маса.

У бийларга даъвогар одамлар колмай, ик- кови икки кишини бийликка танлаб олиб, устига бировни посредникка сайлаб олишса: агар шунгаям келиша олмасалар, бояги уч бийнинг бирини олиб ёки жеребя<sup>2</sup> билан сай- лаб олиб, шунга бўйсунилса, гавго чўзилмай, битимга келинарди.